



Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки


Марказий банк бошқаруви  
асосий ставкани  
**0,5 фоиз бандга** пасайтириб,  
**йиллик 13,5 фоиз**  
даражасида белгилади

Матбуот анжумани  
2024 йил 25 июль




## Умумий инфляция даражаси июнь ойида йиллик **10,6 фоиз** даражасида сақланиб қолди



Январь-июнь ойлари, йиғма фоизда



Йиллик, фоизда




## Инфляциянинг барқарор компонентларида пасайиш тенденцияси давом этмоқда




2024 йил июнда ИНИ саватидаги нархи 5 фоиздан юқори ошган товар ва хизматлар улуши май ойига нисбатан 5 ф.б.га, 60 фоизини ташкил этди. I ярим йилликда истеъмол саватидаги 73,1 фоиз товар ва хизматлар инфляциясида аввалги йилга нисбатан секинлашиш кузатилди.

## Умумий инфляция декомпозицияси

### Асосий гуруҳлар нархларининг йиллик ошиши (фоизда)




### Умумий инфляция декомпозицияси (фоиз бандда)



Энергия тарифлари таъсирисиз йиллик умумий инфляция июнда **7 фоизга** тенг бўлиб, инфляциянинг пасайиши асосан **мева-сабзавотлар ва базавий озиқ-овқат товарлари** нархларининг барқарорлашиб бориши билан изоҳланади.


## Базавий инфляция пасайишда давом этиб, умумий инфляциядан тафовути ошиб борди




Июнь ойида **базавий инфляция** пасайишда давом этиб, **5,9 фоизга** тенг бўлди (*апрель ойига нисбатан 1,3 ф.б.га пасайган*). Базавий инфляциянинг йил бошига нисбатан пасайиши 2,6 ф.б.ни ташкил этди. Бунда, базавий инфляция ва умумий инфляция ўртасидаги **тафовут** май ойидан энергия ресурслари нархлари оширилиши ҳисобига кенгайди ва июнда 4,7 фоиз бандга тенг бўлди.

## Иқтисодий ўсиш 2024 йил I ярим йилликда 6,4 фоизни ташкил этди

ЯИМ ва унинг компонентлари ўсиши,  
кумулятив, фоизда




ЯИМ реал ўсиши декомпозицияси,  
кумулятив, фоизда




Жорий йилнинг I ярим йиллик якуни бўйича иқтисодиёт реал ҳисобда **6,4 фоизга** ўсди. **Ишлаб чиқариш** саноати (*9,4 фоиз*), **курилиш** ишлари (*10,1 фоиз*) ва **хизматлар** (*12,9 фоиз*) соҳаларидаги юқори ўсиш суръатлари иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватловчи **драйверлардан** бўлди.

## Асосий капиталга киритилган инвестициялар

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг реал ўсиши декомпозицияси




Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар




**Марказлашмаган инвестициялар** ҳажми ушбу даврда 38,7 фоизга ошиб, жами инвестициялар ўсишига 32,7 фоиз банд ҳисса қўшди. Шунингдек, I ярим йилликда иқтисодиётга **5,3 млрд доллар** миқдорда **тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар** кириб келди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,5 баробарга ошди.

## Тармоқлар кесимида иқтисодий фаоллик ва ишбилармонлик кайфияти индекси

### Иқтисодий фаоллик индекси



### Ишбилармонлик кайфияти индекси




Сўнги икки ойда **иқтисодий фаоллик** (54,5) ва **ишбилармонлик кайфияти** (60,3) индексларида пасайиш кузатилмоқда. Қурилишдан бошқа барча соҳа вакиллари иқтисодий фаолликнинг пасайганлигини билдирмоқда. **Саноат** соҳасида иқтисодий фаоллик 50 фоизлик нейтрал даражага яқин шаклланимоқда.

**Ишбилармонлик кайфияти** фаолликка нисбатан биров юқори шаклланаётган бўлса ҳам, **барча соҳаларда** май-июнь ойларида **пасайиш динамикаси** кузатилди.




## Меҳнат бозори бўйича онлайн кузатувлар

Онлайн иш қидирувлари индекси




Онлайн ваканциялар сони ўзгариши,  
МИНГ КИШИ




Интернет саҳифалари орқали **иш излаётганлар** сонига йил бошидан **пасаювчи динамика** давом этди. Мазкур кўрсаткичда ўтган йилларнинг мос даврига нисбатан сезиларли пасайиш кузатилди. **Бўш иш ўринлари** бўйича эълонлар сони апрелдаги юқори кўрсаткичлардан сўнг май-июнь ойларида эълонларнинг камайиши кузатилди.

## Экспорт кўрсаткичлари

Экспорт барқарор компонентларининг ўсиш суръатлари, кумулятив, фоизда




Экспортнинг айрим таркибий қисмлари декомпозицияси, ф.б.




Январь-июнь ойларида умумий экспорт ҳажми **5,5 фоизга** (олтинсиз экспорт **10,9 фоизга**) ошди. Шу билан бирга, **базавий экспорт** динамикасида ўсиш тенденциясига ўтмоқда. Товарлар экспортининг ўсиши, асосан, жаҳон бозорларида хомашёлар (олтин, уран, мис) нархларининг ижобий шакллангани билан изоҳланади.

## Импорт кўрсаткичлари

Импорт ўсиш суръатлари, *фоизда*




Айрим таркибий компонентларнинг импорт ўсишига ҳиссаси, *ф.б.*



Импортнинг ўсиш суръати ўтган йил даражаларидан пастроқ шаклланаётган бўлсада, июнь ойида сезиларли тезлашди. Бунга асосий омил сифатида **саёҳат хизматлари** ҳамда **энергетика** маҳсулотлари импорти юқори суръатда ошиши сабаб бўлмоқда. **Озиқ-овқат маҳсулотлари** импортида кичик **пасайиш (-1,4%)** кузатилиб, асосий озиқ-овқат товарлари бўйича жаҳон нархларининг пасайиши билан изоҳланади.

## Валюта курслари динамикаси


23 июль ҳолатига кўра




**Доллар индекси** жорий йил бошига нисбатан мустаҳкам сақланишига қарамасдан, секинлашаётган инфляция фонида **фоиз ставкалари пасайиши** эҳтимоли ошмоқда ва натижада доллар ўтган ойга нисбатан **заифлашди**. АҚШ ва Япония **фоиз ставкаларидаги тафовут** иенага бўлган босимни кучайтирмоқда. **Россия** рубли ўтган ой даражасида сақланган бўлса, **Қозоғистон** миллий валютаси **мавсумий омиллар** ҳамда Миллий Жамғармадан **трансфертларнинг пасайиши** ҳисобига сезиларли қадрсизланди.

## Иқтисодиётда “нисбатан қатъий” пул-кредит шaroитлари таъминланмоқда

### Марказий банк асосий ставкаси




### Банкларо ва РЕПО бозорлари фоиз ставкалари




Марказий банк асосий ставкасининг ўзгаришсиз қолдирилиши ҳисобига июнь ойида реал фоиз ставкаси **3,4 фоизга** тенг бўлди. Пул ва РЕПО бозорларида сўнги ойлардаги ликвидлик динамикасида келиб чиқиб, реал фоиз ставкалари мос равишда **4,5** ва **3,9 фоизгача** ошди. Ушбу реал фоиз ставкалари “**нисбатан қатъий**” пул-кредит сиёсатини таъминлашга хизмат қилмоқда.

## Депозитлар динамикаси

### Депозитлар қолдиғининг йиллик ўсиши




### Муддатли депозитлар қолдиғининг ойлик ўсиши



1 июнь ҳолатига банк тизимидаги жами депозитлар қолдиғи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **30,4 фоизга** (йил бошидан 12,1 фоиз) ўсиб, **186,5 трлн.** сўмни ташкил этди. Бунда, жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари қолдиғи йиллик **46 фоизга** (йил бошидан 22,3 фоиз) ўсиб, **52,4 трлн.** сўмни ташкил этди. Шунингдек, йил бошидаги қисқаришдан сўнг юридик шахсларнинг депозитлари ўсувчи тенденцияни кўрсатмоқда ва июнь ойида йиллик **30,7 фоизга** ошди.


## Депозитлар бўйича фоиз ставкалари

### Депозитлар бўйича номинал фоиз ставкалари



— Жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги муддатли депозитлари  
— Юридик шахсларнинг миллий валютадаги муддатли депозитлари

### Депозитлар бўйича реал фоиз ставкалари




— Жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги муддатли депозитлари  
— Юридик шахсларнинг миллий валютадаги муддатли депозитлари

Июнь ойида жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги муддатли депозитлари бўйича ўртача фоиз ставкаси **22 фоизни**, юридик шахсларнинг депозитлари бўйича эса **17,9 фоизни** ташкил этди. Инфляциян кутилмаларни инобатга олганда депозитларнинг реал фоиз ставкалари жисмоний шахсларда **8,1 фоизга** ва юридик шахсларда **5,4 фоизга** тенг бўлди.


## Кредитлар бўйича фоиз ставкалари

### Қисқа ва узоқ муддатли кредитлар бўйича номинал фоиз ставкалари



— Миллий валютадаги қисқа муддатли кредитлар  
— Миллий валютадаги узоқ муддатли кредитлар

### Жисмоний ва юридик шахсларнинг кредитлари бўйича номинал фоиз ставкалари



— Жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги кредитлари  
— Юридик шахсларнинг миллий валютадаги кредитлари

2024 йил июнь ойида қисқа муддатли кредитлар бўйича фоиз ставкалари **23,5 фоизни** ва узоқ муддатли кредитлар бўйича **23,6 фоизни** ташкил этди. Жисмоний ва юридик шахсларнинг кредитлари бўйича ўртача фоиз ставкалари июнь ойида мос равишда **24,6** ва **22,7 фоизга** тенг бўлди.